



ЮРИСТНИНГ КАСБ ЭТИКАСИДА ҲУҚУҚИЙ ВА АХЛОҚИЙ МЕЁРЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Асатов Акбар Лазиз ўғли

Ўзбекистон Миллий университети
юриспруденция йўналиши
2 босқич талабаласи

Аннотация: Ушбу мақолада ҳуқуқшуносларнинг касбий фаолиятида муҳим ўрин тутадиган бир қатор этика категориялари баробарида ҳуқуқ тушунчаси, ахлоқ тушунчаси, ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларининг ўхшаш жиҳатлари ёритиб берилган. Бундан ташқари ҳуқуқ ва ахлоқ бир-биридан фарқланадиган жиҳатлари келтирилган. Шунингдек ҳуқуқий ва меёrlарнинг бузилиши натижасида Ахлоқий ва ҳуқуқий санкцияларни қўлланилиши ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: жазоловчи идоралар, миллатчилик, этика категориялари, ижтимоий ҳаёт, санкция, юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳуқуқбузарлик, юристларнинг касб этикаси.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов суд - ҳуқуқ ислоҳатлари ҳақида гапирав эканлар жиноий жазони либераллаштириш жараёнида бундан буён суд, прокуратура ва ички ишлар идоралари билан бундан буён жазоловчи идоралар эмас, балки кишиларга тўғри йўл кўрсатадиган, уларга қонун ва қоидаларни хурмат қилишга ўргатадиган идоралар бўлишлиги лозимлигини таъкидлайдилар.[1]

Юристнинг касб этикасининг энг муҳим хусусиятларидан бири – инсон тақдири билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда ҳис туйфуга берилмаслик, таниш билишчилик, қариндош – уруғчилик, маҳаллийчилик ёхуд миллатчилик каби туйғуларга берилмаслик одил судловни амалга оширишнинг барча босқичларида ахлоқ нормаларига оғишмай риоя қилишни ўргатади.



Хусусан хуқуқшуносларнинг касбий фаолиятида муҳим ўрин тутадиган бир қатор этика категориялари мавжуд. Булар:

- ❖ касбий бурч
- ❖ қадр-қиммат
- ❖ виждон
- ❖ ор-номус.

Этика категориялари одамларнинг бутун дунёсига кириб боради. Улар хуқуқнинг мазмунини белгилайди, қонунчилик актларида, шунингдек юристнинг аниқ фаолиятини тартибга солувчи актларда иштирок этади. Юристга уларнинг моҳияти билан танишиш хуқуқни ўрганиш ва тушиниш, шунингдек уни қўллаш бўйича амалий фаолият учун зарур.

Асосий қисм

Бизга берилган муаммоли холатга хуқуқий баҳо бериш учун ундаги келтириб ўтилган холатлар ва тушунчаларни хар бирiga алоҳида холда маҳсус саволлар тузиш ва ушбу саволларга жавоб бериш орқали эса муаммоли саволни атрофлича таҳлил қилиб чиқамиз.

Биринчи савол. Ахлоқ ва ахлоқ нормалари хусусида фикр юритинг?

Ахлоқ - инсоннинг доимий ёки ўзгариб турувши шароитларда содир этган хулқий аҳамиятга эга бўлган ҳаракатлари йифиндиси. Инсоннинг хатти-ҳаракати ахлоқий сифати, хулқий кўринишининг биргина объектив кўриниши ҳисобланади.

Ахлоқ ижтимоий тараққиёт маҳсули бўлганлиги сабабли узлуксиз ўзгариб борадиган ижтимоий ҳаёт таъсир кўрсатиб туради, яъни тарихий хусусиятга эга. Ҳозир давр ўзгарди, шу сабабли ахлоқий ҳодисаларга бўлган муносабатимиз ҳам ўзгарди. Ахлоқдаги умуминсоний моментлар, умуминсоний ахлоқ нормаларига, миллий хусусиятларига, тадбиркорлик, ишбилармонлик кўринишиларига катта эътибор берилмоқда. Ахлоқни шартли равишда иккига ажратишимз мумкин.

- ❖ Умумий ахлоқ
- ❖ Касбий ахлоқ

Касбий ахлоқ ва умумий ахлоқ қоидалари ўртасида ўзаро зиддият истисно этилади.



Одоб-ахлоқ нормалари жамиятда анъаналар кучи, умумтанолинган ва барча томонидан қўллаб-қувватланадиган тартиб-интизом, жамоатчилик фикри билан қайта ишланиб бораверади. Одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилиниши барча томонидан назорат қилинади.

Одоб-ахлоқда жавобгарлик маънавий ва юксак бўлади, яни хатти-ҳаракатни қоралайди ёки маъқуллайди, ахлоқий баҳо бериш шаклида бўлиб одам аввало англаб олиши, дилдан қабул қилиши ва бунга мос ҳолда ўзининг хатт-ҳаракатларини тартибга солиши ва йўналтириши лозим бўлади. Бундай баҳо бериш умумеътироф этилган норма ва тамойилларга, барча томонидан қабул қилинган зарур ва зарур бўлмаган, лойиқ ва лойиқ бўлмаган ва бошқа тушунчаларга мос бўлиши керак. Одоб-ахлоқ албатта инсониятнинг турмушига, инсонний эҳтиёжи моҳиятига боғлиқ бўлади, аммо ижтимоий ва индивидуал онг даражаси билан белгиланади. [2]

Ахлоқий фаолият - фақат асослантирилган ва мақсад сари йўналтирилган ҳаракатларни ўз ичига олади. Бу эрда истак, хоҳишлар ҳал қилувчи ўринда туради, чунки инсон уларга таянади, уларнинг ўзига хос хулқий мотивлари яхшилик қилишни исташ, бурч ҳиссини амалга ошириш, маълум бир мақсадга эришишдан иборат бўлади.

Одоб-ахлоқ – ижтимоий ҳаётни тартибга солувчи зарур, ўзаро боғлиқ ва бирбирига сингиб борувчи тизимлардир. Улар жамият фаолиятига турли хил хоҳиш-истакларни мувофиқлаштириш, инсонларни муаян қоидаларга бўйсундириш йўли билан амалга оширади.

Одоб-ахлоқнинг ўзига хос томонлари, элементлари бор бўлиб, улар ўз ичига куйидагиларни қамраб олади:

- ахлоқий нормалар
- ахлоқ тамойиллари
- ахлоқий мақсадлар
- ахлоқий мезонлар

Ахлоқ нормалари – адолат ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, мақтов ва иснод, жамият томонидан рағбатлантирилдиган ёки қораланадиган хатти-ҳаракатлар, ор-номус, виждон, бурч, қадр-қиммат ва ҳоказо



категориялар кўринишида ижтимоий ҳаёт шароитларининг бевосита таъсири сифатида кишилар онгига шаклланадиган қарашлар, тасаввурлар ва қоидалардир.

Одоб-ахлоқ инсоннинг хатти-ҳаракатини, фаолиятини норматив тартибга солишнинг асосий турларидан биридир. У инсонларнинг умумижтимоий қонунларга бўйсунишини таъминлайди. Одоб-ахлоқ ушбу вазифани бошқа жамиятда ўрнатилган нормаларни ўрганиш ва ўзлаштиришни таъминлашга йўналтирилган ижтимоий фанлар билан биргаликда амалда бўлади.

Ахлоқий санкциялар - одоб-ахлоқ нормаларининг амалий натижа беришини таъминлаш мақсадида маънавий таъсир ўтказишнинг ташқи шакллари. Расмий санкциялар қонун билн белгиланган қатъий тартибга риоя қилишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Норасмий санкциялар муҳит, гурух, алоҳида шахсларнинг ташқи таъсирга табиий жавобидир.

Иккинчи савол. Хуқуқ ва хуқуқий нормалар хусусида фикр юритинг?

Хуқуқ - давлат томонидан белгиланадиган ёки рухсат этиладиган ва унинг кучи билан ҳимоя қилинадиган умуммажбурий хулқ-атвор қоидалари тизимиdir. Хуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи регулятор бўлиб, унинг ушбу хусусияти ижтимоий муносабатлар билан бўладиган мунтазам алоқадорлигини таъминлайди.

Хуқуқ ўз навбатида қонунлар билан рўёбга чиқади. Қонун ахлоқийлик талабларига жавоб бериши лозим, унинг суд томонидан қўлланиши эса ахлоқий нормаларга зид бўлмаслиги керак. Қонунийлик ва ахлоқийликнинг бирлиги инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлашга хизмат қиласи. Шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш одил судловнинг бош ахлоқий вазифасини ифода этади ва бунга халқаро ҳамжамият алоҳида аҳамият бериб келмоқда.

Нормативлик - инсонлар хатти-ҳаракатини тартибга солишга имкон берадиган ахлоқ ва ҳуқуқнинг хусусиятидир. Бу ўринда уларнинг обьектлари кўп ҳолларда мос келади. Аммо уларни тартибга солиш ўзига хос усувларда амалга оширилади.

Ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш ҳуқуқий тақдирлаш, жазолаш, шу жумладан давлат мажбурови, юридик санкция маҳсус давлат аппарати томонидан амалга оширилади. Ахлоқда эса фақат руҳий санкциялар бўлиб, улар руҳий қўллаб кувватлаш ёки руҳий жазолашдан иборат. Ҳуқуқий меёърлар ўзининг



хусусиятларидан келиб чиққан холда, ахлоқий меёърлар билан бир хл функцияларни бажариши белгилаб қўйилган. [3]

Учунчи савол. Ҳуқуқий ва ахлоқий меёърларнинг ўзига хос хусусиятлари, фарқли ва ўхшаш жиҳатларини тавсифланг?

Жамиятдаги мавжуд ижтимоий нормалар умумий белгилар билан биргаликда ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Буни ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг ўзаро нисбатида қўриб чиқиш мумкин.

Ҳуқуқ ва ахлоқнинг умумийлиги қўйидагиларда намоён бўлади:

- улар биргаликда норматив тартибга солиш тизимини ташкил этувчи ижтимоий нормалардан иборатdir;
- фалсафий нуқтаи назардан ҳуқуқ ва ахлоқ – ижтимоий-иктисодий, маданий ва бошқа омиллар билан бир хил даражада боғлиқ бўлган устқурма категорияларdir;
- ҳуқуқ ва ахлоқ мавжуд ижтимоий муносабатлардан иборат бирдан-бир бошқариш объектига эга ҳамда уларнинг ҳар иккаласи ҳам шахслар ва жамоаларга йўналтирилган;
- ҳуқуқ ва ахлоқ норматив ҳодисалар сифатида шахсларнинг зарур ва мумкин бўлган хатти-ҳаракатлари чегараларини белгилайди ҳамда шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни уйғунлаштириш воситаси бўлиб хизмат қиласи;
- инсон фаолиятини тартибга солувчи омил сифатида улар киши иродасининг эркинлиги, хатти-ҳаракатларини танлаш имкониятларига асосланади;
- ҳуқуқ ва ахлоқ охир-оқибатда бир хил вазифа – ижтимоий ҳаётни тартибга солиш ва такомиллаштириш, унга ташкилий асосларни киритиш, адолат ва инсонпарварлик тамойилларини қарор топтириш вазифаларини қўзда тутади ва бошқалар. [4]

Ҳуқуқ ва ахлоқ бир-биридан қўйидаги жиҳатлар бўйича фарқланади:

- 1. Ҳуқуқ ва ахлоқ бир-биридан, энг аввало, белгиланиш, шаклланиш усууллари ва манбалари бўйича фарқ қиласи.** Ҳуқуқ нормалари давлат томонидан яратилади ёки тасдиқланади. Давлат томонидан улар бекор қилинади, тўлдирилади ва ўзгартирилади. Ахлоқ нормалари эса, бошқача тарзда таркиб топади яъни улар



бутун жамият томонидан яратилади. Бу нормалар доимий равишда кишилар амалий фаолияти, уларнинг ўзаро алоқалари жараёнида юзага келади ва ривожланиб боради.

2. Ҳуқуқ ва ахлоқ уларни таъминлаш усуллари бўйича бир-биридан фарқ қиласи. Ҳуқуқ давлат томонидан яратилиб, жорий этилар экан, унинг томонидан таъминланади, муҳофаза этилади ва ҳимоя қилинади. Шу маънода ҳуқуқ нормалари умуммажбурий моҳиятга эга. Жамоатчилик фикри кучига таянувчи ахлоқ, мажбурий таҳдиддан фарқли ўлароқ, бутунлай бошқа тарзда амал қиласи. Ахлоқ қоидаларини бузиш расмий ҳокимиятнинг аралashiшини, юридик жазоларни қўллашни тақозо этмайди. Ахлоқий қоидаларни бузган шахсларга нисбатан қандай таъсир кўрсатишни жамиятнинг ўзи ҳал қиласи. Бундай таъсир чораси баъзан ҳуқуқдан ҳам қаттиқроқ ва таъсирчанроқ бўлиши мумкин.

3. Ҳуқуқ ва ахлоқ ифода этиш шаклига кўра фарқ қиласи. Агар ҳуқуқ нормалари давлатнинг маҳсус юридик хужжатлари (қонунлар, фармонлар, қарорлар)да мустаҳкамланиб, умуман кенг кўламли ва кенг тармоқли қонунчиликни ташкил этувчи тегишли кодекслар, тўпламлар, низомларда гуруҳларга ажратилиб, тартибга солинса, ахлоқий нормалар эса бундай аниқ ифодага эга бўлмайди. Ахлоқ нормалари ва қоидалари жамият турли қатламлари ва гуруҳларида муайян ижтимоий шарт-шароитлар таъсирида вужудга келар экан, кейинчалик кенг тарқалади ҳамда барқарор хулқ-атвор қоидаларга айланади. Бунда бирон-бир ахлоқ нормасининг юзага келиш вақтини ҳам, сабабини ҳам, тартибини ҳам, унинг амал қилиш муддатини ҳам аниқ кўрсатиш мумкин эмас.

4. Ахлоқ ва ҳуқуқ кишилар онгига таъсир этиш хусусияти ва усулларига кўра бир-биридан фарқ қиласи. Агар ҳуқуқ субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни уларнинг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлари – ҳаққонийлик ва ноҳақлик, қонунийлик ва ғайриқонунийлик, жазоланиш ва жазоланмаслик нуқтаи назаридан тартибга соладиган бўлса, ахлоқ инсон қилмишларига эзгулик ва ёвузлик, мақтov ва қоралаш, ҳалоллик ва нопоклик, олийжаноблик ва пасткашлик, виждон, орномус, бурч нуқтаи назаридан ёндашади.

5. Ҳуқуқ ва ахлоқ уларни бузганлик учун жавобгарлик моҳияти ва тартиби бўйича бир-биридан фарқ қиласи. Ҳукуқбузарлик ҳаракатлари оддий



жавобгарликни келтириб чиқарибгина қолмай, балки маҳсус-юридик жавобгарликни ҳам юзага келтиради. Айни пайтда жазо тайинлаш тартиби қонун билан қатъий белгилаб қўйилади. Ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик мутлақо бошқа оқибатларга олиб келади. Бу ерда аниқ бир жазо чораси кўзда тутилмайди. Бериладиган жазо қоидабузарни ахлоқий қоралаш, унга танбех бериш, жамоатчилик таъсири чораларини қўллашда ифодалнади.

6. Ҳуқуқ ва ахлоқ амал қилиш соҳалари бўйича фарқ қиласи. Ахлоқий макон ҳуқуқий макондан анча кенгdir. Маълумки, ҳуқуқ ижтимоий ҳаётнинг кўп қирраларини четда қолдириб, унинг энг муҳим соҳаларинигина тартибга солиб боради. Ҳуқуқдан фарқли ўлароқ, ахлоқ жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларига тааллукли бўлади. [5]

Юқоридаги назарий таҳлилий фикрларимиздан келиб чиқсан ҳолда шуни хулоса қилишимиз мумкунки, **биринчидан**, ахлоқий ва ҳуқуқий меёърлар жамият ҳаётида, айниқса юристларнинг касб этикаси қоидаларида ажralmas ўринга экан. Бу меёърларни тартибга солишлик ва тўғри фойдаланишилик юристнинг касб этикасини бойитиши билан бир қаторда юксак фазилат тақдим этади.

Иккинчидан, ахлоқ билан ҳуқуқ доимо ўзаро алоқада бўлиш билан бир қаторда, ҳуқуқ ахлоққа зид бўлмаган ҳолда, ўз навбатида ҳуқуқ ахлоқий нормаларнинг шаклланишига қўмаклашар экан.

Учунчидан, ахлоқий ва ҳуқуқий меёърлар инсониятнинг руҳий маданиятининг ажralmas қисмлари экан. Ахлоқ ва ҳуқуқ бир турдалиги ҳолатида уларнинг муайян бир жамиятда бу ижтимоий тартибга солувчилар ўртасида фарқлар ҳам борлигини кўриб ўтдик. Ҳуқуқий меёърлар фақат ижтимоий муҳим хатти-ҳаракатларни тартибга солади. Мисол учун, ҳуқуқ инсоннинг шахсий ҳаётига аралашмайди. Аксинча у бундай аралashiшдан қўриқлайди, ҳимоя қиласи. Ҳуқуқий меёърий санкциялар ўз моҳиятига кўра салбий ва жазоловчи бўлиб, ахлоқий меёърий санкциялар эса шахснинг ўзини ахлоқий нуқтаи назардан баҳолашига, унинг ахлоқ одобга оид ҳиссиётларини уйғонишига таъсир кўрсатар экан.

Тўртинчидан, ахлоқий ва ҳуқуқий меёърлар битта ижтимоий вазифани бажарап экан, у ҳам бўлса жамиятда инсонларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга



солишдан иборат. Улар биргаликда мураккаб тизимларни ташкил этади, ижтимоий аҳамиятли фаолиятни, норматив соҳани ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар олар экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият // “Халқ сўзи”. 2005, 10 декабр. 45 б.
2. Мухаммадиев А.А., Эгамбердиев А.У., Юристнинг касб этикаси. –Т.:ТДЮУ нашриёти 2015, 56 б.
3. Мухаммадиев А.А., Эгамбердиев А.У., Юристнинг касб этикаси. –Т.:ТДЮУ нашриёти 2015. 72 б.
4. Сабуров Н., Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. 103 б.
5. Сабуров Н., Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. 61 б.

